

«Хоразм Дори-Дармон» масъулияти чекланган жамияти бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан директор С.К.Бобожонов уставга асосан фаолият кўрсатувчи, иккинчи томондан Дилчидаев Мароф Файзуллаевич бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан Абдурашадов О.С. уставга асосан фаолиятини амалга оширувчи куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» «Харидор»нинг талабномаси асосида Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган махсулотларни сотади, «Харидор» эса олган товарнинг хақини «Сотувчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб рақамига келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг мўлжалланган суммаси 301362,11 (Бир миллион ўз.сў) Тўқсон бир минг ўз.сў сатилган дарманнинг сўми ҚҚС сиз

1.3. Шартноманинг мўлжалланган суммаси — ҚҚС билан жами сўми ташкил қилади (бу суммага транспорт харажатлари кирмайди).

1.4. Сотилган товарларнинг умумий баҳоси, тури, сони, нархи спецификацияда ва ҳисоб-варақида қайд этилади.

II. МАХСУЛОТ СИФАТИ

2.1. «Сотувчи» «Харидор»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган, ишлатиш муддати 80%дан кам бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмларни сотади. Яроклилик муддати 80% кам бўлса, «Харидор» билан келишилган ҳолда сотиб олинади.

III. ЖўНАТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. «Харидор» гиёҳванд ва психотроп дори воситалари ҳамда прекурсорларни сотиб олишда уларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият учун олинган лицензия нусхасини «Сотувчи»га тақдим қилиши лозим.

3.2. Сотилган дори воситаларини қайтариш масаласи иккала томон келишган ҳолда амалга оширилади.

3.3. Ушбу шартноманинг 4.1. бандига мувофиқ тўлов амалга оширилгандан сўнг 10 кун муддат ичида товарларни жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иккала томон келишган ҳолда қопланади.

3.4. Товарларни етказиб бериш санаси этиб, тарафлар томонидан ҳисоб варақига қўл қўйилган кун белгиланади.

IV. ТўЛОВ ШАРТЛАРИ

4.1. Тўлов тартиби олдиндан махсулот умумий нархининг 30 % шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида тўлаши, қолган 20 % суммаси эса тарафлар ўртасида қабул қилиш олиш акти имзоланганидан кейин 5 кун мобайнида амалга оширилади.

4.2. Агарда тўлов, шартноманинг 4.1 бандига асосан амалга оширилмаган тақдирда, «Сотувчи» ушбу шартномани бир тарафлама бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

4.3. Агарда "Харидор" ушбу шартнома имзолангандан кейин 5 кун ичида махсулотни танлаб олишни амалга оширмаса, «Сотувчи» ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, олдиндан тўланган тўлов қийматини 5% ушлаб қолган ҳолда қайтарилиши лозим бўлади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мулкый жавобгардирлар.

5.2. Шартномани 2.1 бандига асосан «Сотувчи» томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у ҳолда «Сотувчи» сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради.

5.3. Агарда "Харидор" ушбу шартномада кўрсатилган тўлов муддатини кечиктирган тақдирда, ҳар бир тўлов амалга оширилмаган кун учун шартнома суммасининг 0,5% миқдорда, лекин ушбу шартнома умумий суммасининг 50%дан юқори бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.

VI. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Тарафларнинг биронтаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (Форс-мажор): табиий офатлар, уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, қамал ҳолати, экспорт ёки импорт операцияларини ҳукумат томонидан таъқиқланиши билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлар учун жавобгар бўлмайди. Форс-мажор ҳолат бошланганлиги ва тугаганлиги тўғрисида ваколатли орган томонидан берилган ҳужжатга асосан бир тараф иккинчи тарафни зудлик билан ёзма равишда огоҳлантиради.

VII. НИЗОНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида тинч, ўзаро келишилган ҳолда ҳамда тарафларнинг ўзаро жавоб бериш муддати 5 кун бўлган ёзма эътирозларининг алмашинуви орқали ҳал этилади.

7.2. Тарафлар келишуви билан ҳал этилмаган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Урганч туманлараро иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

VIII. ШАРТНОМА МУДДАТИ

8.1. Шартнома 01.02.2022 йилда имзоланди ва 31.12.2022 йилгача қадар амал қилади. Аммо ушбу санага қадар шартномага асосан томонларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари бажарилмай қолса, шартнома мажбуриятлар бажарилгунча амал қилади.

IX. УМУМИЙ ХОЛАТЛАР

9.1. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартириш ва кўшимчалар фақат ёзма тартибда расмийлаштирилади ва томонлар имзолаб, муҳрлагандан сўнг асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.2. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

9.3. Ушбу шартнома томонлар учун икки нусхада имзоланган ва муҳрланган бўлиб бир хил юрдик кучга эга.

9.4. Бюджет ташкилотлари учун Шартнома, Ҳазначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтказилган вақтдан қонуний кучга киради.

X. ТАРАФЛАРНИНГ ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

«Хоразм Дори-Дармон»

масъулияти чекланган жамияти

Манзил: 220100, Урганч шаҳар П. Махмуд 5 уй

х/р: 20210000100491064001

Банк: Ўзбекистон миллий банки Урганч бўлими

МФО: 00547, ОКЭД: 46460,

ИНН: 201018072

Тел: (+99862) 228-48-44, 228-52-35

Факс: (+99862) 228-48-91

Директор: С.Қ.Бобожонов

(бюджетдан маблағ олувчи)

Манзил _____

Тел/факс _____

ш/х _____

Бюджетдан маблағ олувчи

ОКЭД _____

Ҳазначилик бўлини маси номи _____

Газна х/в _____

Банкнинг номи _____

МФО _____

Ҳазначилик бўлини маси СТИРИ _____

Раҳбар _____



С.М.Ф. Фудулатов (имзо, муҳр ўрни)

1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига мувофиқ равишда тузилган. Шартнома шартлари мазкур олди-сотди ишлари бўйича қонунчиликда белгиланган шартларга мос келади ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқоралик Кодекси ҳамда 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунга мувофиқлаштирилган.

2. Шартнома тузилган вақтда мазкур шартномани томонлар томонидан бажарилишига таъсир ўтказиши мумкин бўлган қонунчилик ёки бошқа томондан ҳеч қандай чегаралашлар бўлмаган.

Ҳуқуқшунос: _____

С.Қ.Бобожонов

Спецификация к договору № 1120 от 21.02.2022 года

№ пп	Наименование	Ед. изм.	Серия	Кол-во	Цена	Сумма
1	Ардуан 4мг 2 мл №25 с раств (Пиперкуроний бромид)	уп	A14012B	1.0000	606942.15	606942.15
2	Верзепам (Диазепам) р-р д/инь 5мг/мл 2мл №10	уп	EP452110	5.0000	17451.10	87255.50
3	Дроперидол р-р для инь. 2,5мг/мл 2 мл №5	уп	90720	4.0000	10475.74	41902.96
4	Кетамин р-р д/инь 50мг/мл 2мл №5	уп	50620	14.0000	27709.20	387928.80
5	Мидазолам р-р для в/в и в/м введения 5мг/мл 3мл №5	уп	31220	6.0000	44555.45	267332.70

Всего товаров на сумму: 1391362.11 сум.

Поставщик ООО "ХОРАЗМ ДОРИ-ДАРМОН"



Покупатель: РИУИАТМ Хоразм филиали



[Handwritten signature]